



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2015 йил 27 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСİY КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 17 (12.830)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING YAQIN MUDDATGA VA UZOQ ISTIQBOLGA MЎLJALLANGAN ҲАРАКАТ ДАСТУРИ

2015 йилнинг 23 январида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган Ҳаракат дастури тақдим этилди.

Жорий йил 16 январда ўтказилган 2014 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Абдуғаниевич Каримов томонидан 2015 йилда ва кейинги йилларда мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантиришнинг стратегик вазифалари белгилаб берилди. Янги таркибдаги Ҳукуматнинг асосий эътибори қаратилиши лозим бўлган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва уларни амалга ошириш механизми чук-чүр очиб берилди. Жумладан, қуйидаги энг муҳим ва долзарб вазифаларга алоҳида аҳамият қаратилди.

Қайд этилган муҳим устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ҳукумат бир қатор дастурий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқишни ва уларни яқин муддатларда тасдиқлаш учун киритишни таъминлайди. Ушбу лойиҳаларнинг ҳар бирида иқтисодиёт тармоқлари ва инфратузилмани ривожлантириш бўйича мақсадли дастурлар ҳамда уларни амалга ошириш механизми белгилаб берилди.

Биринчи устувор вазифани амалга ошириш учун — иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни янада кенгайтириш, саноатнинг етакчи тармоқларини модернизация ва фаол диверсификация қилишни амалга ошириш доирасида — саноатни янада ривожлантириш ва унинг рақобатдошлигини оширишни таъминлайдиган дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Хусусан, 2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгариштириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастури тайёрлаш доирасида жами қиймати 38 миллиард долларга тенг бўлган 870 та йirik инвестиция лойиҳаси рўйхати шакллантирилди. Ушбу лойиҳаларга биноан 415 та янги корхона барпо этиш ҳамда 455 та ишлаб турган корхонани модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш назарда тутилмоқда.

Дастурнинг принципал тарзда ақралиб турадиган жиҳати шундаки, экспортга мўлжалланган, ички ва ташқи бозорларда рақобатдош бўлган маҳсулот турларини аниқлаш ва юқори технологияга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарини жадал ривожлантиришга асосий эътибор қаратилган. Булар жумласига тайёр тўқимачилик буюмлари ва ярим тайёр маҳсулотлар, полимерлар ва углеводородларни чуқур қайта ишлаш орқали олинган бошқа маҳсулотлар, электр-маиший ва электрон товарлар, маиший кимё товарлари, замонавий қурилиш ва пардозлаш материаллари, чарм-пойабзал, озик-овқат ва фармацевтика саноати маҳсулотлари кирди.

Бундай кенг қўламли дастурни амалга ошириш учун Ўзбекистонда етарлича тажриба, ресурс ва имкониятлар мавжуд. Мамлакатимиз Президентининг ташаббусига кўра, сўнгги йилларда республикамизда бир қатор ноёб, илғор технологияларга асосланган ва энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган саноат корхоналари барпо этилди. Деҳқонobod каллий ўғитлар заводи, «Женерал Моторс Пауэртрейн — Ўзбекистон» қўшма корхонаси, Устюрт газ-кимё комплекси, Самарқанд вилоятидаги огир юк автомобиллари заводи, замонавий буг-газ энергоблоклари ва иссиклик электр станциялари, шунингдек, бошқа бир қатор лойиҳалар шулар жумласидандир.

(Давоми 2-бетда)

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этишга оид давлат тизимлари қабул қилиниб, уларда белгиланган вазифалар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётир. Бу жараёнда тизимнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жаҳон тиббиётининг илғор тамойилларини амалиётга кенг татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилаётир.



Тиббиёт

ЗАМОНАВИЙ ШИФОХОНАЛАРДАН АҲОЛИ МАМНУН

Мамлакатимизда тиббиётнинг кўплаб йўналишлари қатори аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг замонавий тизими яратилган. Кишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда аҳолига давлат томонидан бепул тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Бундай муассасаларда фаолият юритадиган умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш — доимий эътиборда.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тад-

бирлари тўғрисида»ги Қарори тиббиёт тизимида амалга оширилаётган лойиҳалар қўламини кенгайтиришга муҳим дастуруламал бўлаётир.

Тиббиёт муассасалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари самарасида тизимнинг моддий-техник салоҳияти юксалиб бораётир. Хусусан, 2014 йилда 133 тиббиёт муассасаси янгидан қурилди ва реконструкция қилинди.

Инвестиция дастури доирасида пойтахтимизнинг Яшнобод туманида барпо этилган 30-оилавий поликлиника — улардан бири.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



тарзини тарғиб қилиш, тез ва самарали тиббий-профилактика ёрдами кўрсатиш оилавий поликлиника фаолиятининг асосий йўналишидир.

Мазкур шифохонада ўн тўққиз оила шифокори ва элли орти патронаж ҳамширанин ҳар бирига ҳудуддаги хонадонлар жойлашувига қараб бириктирилган. Уларнинг ҳар бири аҳолидан тушган чақиривларга жавобан ташкил этиладиган тиббий кўриклардан ташқари, кунига олти хонадондаги тиббий-ижтимоий муҳит, саломатлик кўрсаткичи ҳолатларини ўрганади. Бу кўриклар давомида юқумли ва мавсумий касалликлар, ичиш, чекиш сингари зарарли одатларнинг олдини олиш, рационал овқатланиш ва гигиена қоидалари, эрта никоҳнинг салбий оқибатлари аҳолига ҳар томонлама тушунтирилади.

Маълумки, касалликларнинг олдини олиш ва соғлом турмуш

(Давоми 2-бетда)

Яқинда Бокуда рус тилида чоп этиладиган «Азербайджанские известия» газетасида 2014 йил 21 декабрь кунин мамлакатимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайловлар мавзусига бағишланган мақола эълон қилинди. Унинг муаллифи — «Новости» Халқаро матбуот маркази директори Ильгар Велизаде журналист сифатида мазкур сайловларни ёритиш мақсадида юртимиз бўйлаб ижодий сафарда бўлган эди.

ОЗАРБОЙЖОНЛИК ЖУРНАЛИСТ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИБ ЎТГАН САЙЛОВЛАР ҲАҚИДА

дастурулар фаол равишда ҳаётга татбиқ этилишига ҳаракат қилади. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот мустаҳкамлашнинг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига амал қилишнинг, давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органларининг очиқлиги ва ҳисобдорлигининг фаол тарафдоридир. «Миллий тикланиш» демократик партиясининг фаолияти эса Ўзбекистон Республикаси фуқароларида миллий ўзликини англашнинг ўсишига, миллий гуруҳ, Ватанга садоқат ва муҳаббат туйғусини мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратилишига йўналтирган», деб ёзади И.Велизаде.

Шуни қайд этиш жоизки, мақолада ўтган йиллар давомида мазкур партиялар эришган амалий натижаларга алоҳида эътибор қаратилган. Шу ўринда муаллиф ЎзЛиДеП ташаббуси билан қабул

қилинган қонунлар асосида мамлакатнинг қонунчилик базаси янада мустаҳкамлангани ҳақида ёзар экан, бу фермерлик хўжаликлари тараққиётида ҳам ўзининг амалий ифодасини топганини алоҳида таъкидлайди.

Юқоридагилардан ташқари, мақолада ЎзЛиДеП фаолият кўрсатаётганидан бери, яъни 2003 йилдан буён мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 55,8 фоизга етгани қайд этилган. Ана шундай самарали ишларнинг натижасида республика ялпи ички маҳсулотининг саккиз фоизли ўсишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси 5 фоизни ташкил этмоқда», деб ёзади Озарбойжон нашири.

«Жаҳон» АА
Боку

этилган маданият ва аҳоли дам олиш маркази қурилишига 495 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

• Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли тиббиёт марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Марказ 375 ўринга мўлжалланган бўлиб, унда ўн тўрт бўлим ҳамда икки юз қатновга эга маслаҳат поликлиникаси фаолият юритади.

• Андижонда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва фуқароларнинг

тиббий маданиятини янада юксалтиришга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

ЖАҲОНДА

• Жорий йилда бир баррель нефтнинг ўртача нархи қарийб 60 АҚШ долларини ташкил этади. Дунё бўйича углеводород хом ашёси баҳосининг кескин пасайиб кетганидан кўплаб мамлакатлар, жумладан, Венесуэла, Нигерия ва Колумбия каби

давлатлар азият чекмоқда. 2014 йилнинг кузидан бошлаб, бир баррель «қора олтин»нинг нархи 105 доллардан 45 долларгача тушди.

• Бундан тўққиз йил муқаддам «NASA» агентлиги томонидан Плутонни ўрганиш мақсадида учурилган космик кема белгиланган манзилга етиб борди. Энди Куёш тизимидаги энг олисда жойлашган, бизга шу пайтгача сирли бўлган митти сайёрани кенг тадқиқ этиш имконияти юзага келди.

XXI аср
Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Наманган вилояти Уйчи туманида маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди. «Шайдуллохон қурилиш пардоз» масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бошқаруви йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раислари, тегишли вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТЛАРИ АЛОҲИДА ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ҳуқуқини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ислохотлар жараёнидаги фаоллигини тобора юксалтиришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Жамиятимизда тadbиркорлик муҳити тобора мустаҳкамланиб бораётгани юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишга замин яратмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳам бу алоҳида эътироф этилди.

Таъкидланганидек, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик соҳасининг улуши 2000 йилдан буён 31 фоиздан 56 фоизга, sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 12,9 фоиздан 31,1 фоизга ўсди.

Эндикдан энгил sanoat, озик-овқат ва қурилиш материаллари соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда ходимлар ўртача йиллик сони кўпи билан икки юз киши бўлса, металлга ишлов бериш, мебель sanoati каби соҳаларда ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан юз киши бўлса ана шундай мақомга эга бўлади. Улар қонунчилиқда назарда тутилган имтиёزلардан бемалол фойдаланади.

Янги қонун кучга кирди
ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СУРЪАТИ ЯНАДА ОШАДИ

Бошқаруви органларининг очиқлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар илҳом берди. — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илҳомий ходими, юридик фанлар номзоди Зафар Рўзиев. — Бу қўлай ишбилармонлик муҳити вужудга келишига замин яратди. Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бунда муҳим дастуруламал бўлди.

Чораларни белгилайдиган қонун ҳужжатлари расмий эълон қилинган кундан эътиборан камда уч ойдан кичик киради.



Иқтисодиёт
ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ — МУВАФФАҚИЯТ АСОСИ

Ўзбекистон қадимдан қазилма бойликларга бой ҳудуд ҳисобланган. Ватанимизда Менделеев жадвалида келтирилган энг нодир элементларнинг аксарияти мавжуддир. Металлургия sanoati ўлкамизда азалдан ривожланган тармоқлардан бири бўлиб келган. Буни «Тошрангмет завод» ОАЖ корхонаси мисолида кўриш мумкин.

Бугунги кунда Сергели туманида ўз фаолиятини олиб бораётган ва ўзининг 75 йиллик бой тарихига эга бўлган бу завод, ҳозирги даражада еттунига қадар бир қанча босқичларни босиб ўтди.

Ишлаган ҳолда фойдаланиш имконини яратди. Шунингдек, «ИндукоТерм» (Германия) жеми ўрнатилиб, бунинг натижасида рангли металлларни кимёвий хоссаларини сақлаган ҳолда эритиш имконияти яратилди.

Тadbирлар
АЗИЗ ВАТАН ФАРЗАНДАРИМИЗ

Тошкент Давлат шарқшунослик институтида «Ватаним азиз, бурчим муқаддас!» деб номланган тadbир бўлиб ўтди.

Институтининг «Камолот» ЁИХ Жаҳон сиёсати, тарих ва фалсафа факультети бошланғич ташкилоти томонидан ташкил этилган тadbирда таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари ва 300 нафар талаба қатнашди.

Тadbир давомида сўзга чиққанлар Ватаним азиз бўлиши, уни кўз қорачиқидек асраш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Бу каби тadbирларнинг ўтказилиши талаба-ёшларнинг кўнглида Ватанга бўлган муҳаббат, гуруҳ, юрт ҳимоячиларига бўлган ҳавасни уйғотади.

Муслима АБДУМАЛИҚОВА,
Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг 3-босқич талабаси

«КАМОЛОТ» ФАОЛЛАРИ УЧУН ҲУҚУВ-УСЛУБНИЙ СЕМИНАР
Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида пойтахтимиздаги барча олий таълим муассасаларидаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотлари фаолларининг ҳуқуқ-услубий семинари ташкил этилди.

Тadbир аввалида тақдир этилган иштирокчилар университет талаба-ёшлари учун яратилган шарт-шароитлар билан таништирилди.

Шундан сўнг иштирокчиларга университетнинг кеңаги ва бугунги ҳаётига оид видеооралиқ намойиш этилиб, йиғилганларга муҳим ахборотлар айтиб ўтилди.

Зарина РҲУСТАМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУҚУРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!
Ҳуқоро (ташкилот)ларнинг Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхонаси ходимлари билан биргаликда ишлаб жараёнида, бошқарма ва корхона ходимлари томонидан ноқонуний ҳатти-ҳаракатларга йўл қўйишнинг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора-тадбирлар кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлмаслигини таъминлаш, шунингдек, бошқарма ва корхона фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи «Ишонч телефони» тизими жорий этилди.

Ишонч телефони рақами: 239-35-21.
Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти

«UZTELECOM» АЛОҚА ОПЕРАТОРИДА ЯГОНА РАҚАМ АМАЛ ҚИЛИНА БОШЛАДИ

«Uztelecom» алоқа оператори «Call-centre» ягона хизматида тезкор қўнғироқ қилиш шариитини яратиш бўйича ишларни амалга оширмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

